

Уйда қолинг!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил

23 май

ШАНБА

№ 35 (13296)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Мамлакатимиздаги дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар орасида "Jurabek Laboratories" компанияси ўз ўрни ва мавқеига эга. Олмалиқ шаҳрида жойлашган корхона худудига кириб

чиқиш ҳам осон эмас, махсус рухсатнома керак. Муассасага келувчилар ўрнатилган ички тартиб бўйича санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда киритилади. Биз ҳам юз чиғирикдан ўтиб, корхона цехларини айландик.

Фармацевтика

— Ҳозирги кунда корхонамизда 800 дан зиёд ходим меҳнат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари Мунира Қориева. — Ҳар бир ходимни аттестациядан ўтказиб, сўнгра ишга қабул қилганмиз. Умуман, кадрлар масаласига жуда жиддий қараймиз. Бу борада юртимиздаги тиббиёт институтлари ва коллежлари билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз.

Корхонадаги ҳеч бир ходимни таний олмайсиз, сабаби, улар бошдан-оёқ махсус кийимда юришади. Кунда бир неча бор ишчиларнинг



ДОРИМИЗ ДАРМОН, ЭЛИМИЗ ОМОН БУЛСИН

ҳарорати ўлчанаёпти. Карантин даврида ҳам тўла қувват билан ишлаётган корхонада ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, пандемия хуруж қилган ҳозирги вазиятда дори-дармонга талаб ортишини яхши тушунган

корхона раҳбарияти ишни тўрт сменада ташкил этган.

— Биз Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт муассасаларини дори-дармон билан таъминлаймиз, — дейди компания директорининг ўринбосари Азизжон Содиқов. — Шу-

нингдек, сурункали касаллар, ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Бугунги кунда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 150 турдаги дори-дармон воситалари Афғонистон, Озарбайжон, Армани-

тон, Грузия, Молдова ва бизга яқин қўшни бўлган бошқа давлатларга ҳам жўнатилмоқда. Талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар билан экспортни янада кенгайтириш имкониятлари ўрганилмоқда. Ишлар янада юришиб кетиши учун бир қанча давлатларда компаниямиз офисларини очишни режалаштирганмиз.

Кумуш САЛОМОВА
/ Тошкент ҳақиқати /

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эзгулик, саховат ва муруват оyi бўлган муборак Рамазон оyi бу йил мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли уйда, оила даврасида, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитида муносиб ўтказилмоқда. Эл-юртимиз турли синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва қудратли бўлиб ўтган ҳолда, муқаддас Рамазон Ҳайитини эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Ушбу улғу айёмнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни, унинг жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улғулаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи кuni 24 май — якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2020 йил 24 май Рамазон Ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон Ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 май

Муносабат

БАҒРИКЕНГЛИК, ОЛИЖАНОБЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ ИФОДАСИ

Рамазон Ҳайити муносабати билан халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби оlijа-ноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида давлатимиз раҳбари кuni кеча "Ҳазо мuddатини ўтаётган, қилмишга чин кўнгулдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 258 фуқаро Президентимиз томонидан афв қилинди. Ушбу шахсларга жамият ҳамда ўз оиласи даврасига қайтиш имконининг берилгани халқимизнинг кечиримлиликл раҳмдиллик ҳамда бағрикенглик каби азалий қадриятларининг ёрқин намунаси.

Мана шундай бахтга эришган инсонлардан 97 нафари вилоятимизда истиқомат қиладиган шахслардир. Шулардан 62 нафар шахс озодликка чиққан, 35 нафарининг жазо мuddатлари қисқартирилган, ҳаммаси эркак, жазо мuddатини ўтаётганлар орасида хорижий

(Давоми 2-саҳифада)

Янги корхона: бўқаликларга байрам туҳфаси

Бўқада қатор давлат муассасалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди

Дарҳақиқат, кечаги кун бўқаликлар учун қувончли воқеаларга бой бўлди.

Жумладан, туман марказидаги тиббиёт бирлашмаси тўлиқ капитал реконструкция қилинди. Аҳоли бандлигига қўмақлашиш марказининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Катта равоот барака чеварлари" корхонасининг очи-лиш маросими бўлиб ўтди.

Корхонанинг умумий қиймати 700 миллион сумми ташкил этди. 950 миллион сумга эса хориждан замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

Ташаббус Оққўрғондан қанот ёзди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов ҳамда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи Оққўрғон туманида хайрли ташаббусга бош бўлишди.

Яхши хабар

Туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 50 гектар ер майдони ажратилиб, кооперация ташкил этилди. 50 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига бир гектардан ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Бундан ташқари, уларга дала ишларига ёрдам тариқасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан 382 миллион сўмлик New

Holding TD 5 русумли трактор совға қилинди ҳамда дала шийпони учун 300 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар туман ҳокими ҳамроҳлигида манзилли дастур йўналиши асосида қайтадан таъмирланаётган Хотира



майдонига ташриф буюриб, замонавий архитектура асосида барпо этилаётган "Тарих ва ўлкашунослик музейи"да амалга оширилаётган ишлар билан танишишди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари "Ширинтой" хусусий мактабгача таълим ташкилоти ҳамда янги дам олиш сайилгоҳида ҳам бўлиб, яратилган шароитларни кўздан кечиришди. "Оққўрғон Барака

чеварлари" тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишганларида уларга ёрдам кераклиги маълум бўлди. Республика қасаба уюшмалари Федерацияси мазкур корхонага 200 дона замонавий русумдаги тикув машинаси олиб бериш таклифини билдирди.

Яқунда вилоятдаги шаҳар ва туманлардан келган эҳтиёжманд аёлларга маиший уй-рўзгор буюмлари топширилди.

Мавсум яқин

ҒАЛЛАКОР КУТГАН КУНЛАР

Сўнги йилларда мамлакатимизда ғалла етиштирувчиларга берилган имконият ва имтиёзлар, ғалла харид нархининг сезиларли тарзда ошгани ва давлат ғаллага харид нархи белгилаш амалиётидан воз кечаётганини фермерлар қандай қабул қилишди? Қолаверса, вилоятимизда жорий йилги ғалла ўрими-йиғими мавсумига қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа мутахассислари ва фермерларнинг фикрлари билан қизиқдик.



Зойир ЭШНАЕВ,
Вилоят фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси
ўринбосари:

— Охириг уч йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ғаллачилик йўналишида фаолият олиб борадиган фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўлмали ислотлар амалга ошириляпти. Жумладан, ғалланинг харид нархи анча

диликда фермерлар ғалла-ни сотишда тўлиқ мустақил бўлади. Бунда етиштирилган ғалла барча истеъмолчиларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин нархларда сотиладди.

Таъкидлаш жоизки, йиллар давомида ғалла етиштириш ва уни қайта ишлашни давлат қатъиян бошқариши, етиштирилган ғаллани бозор нархларига нисбатан паст

Анвар ОРТИҚОВ,
вилоят қишлоқ хўжалиги
бошқармаси бўлим бошлиғи:
— Яна санокли кўнлардан сўнг вилотимиз далаларида кузда экилган бошоқли дон экинлари пишиб етилади. Залворли меҳнат эвазига етиштирилган хосилни қисқа фурсатда, нестобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш мақсадида мавсумга пухта хозирлик кўриляпти. Жумладан, мавсумни камчиликларсиз ўтказиш, талон-тороқликларга

йўл қўймаслик, комбайнларнинг узлуксиз ишлашни таъминлаш, дон ташувчи транспорт воситаларини тайёрлов корхоналарида бўлиб қолишнинг олдини олиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз.

Жорий йилда вилотдаги 2 минг 697 та фермер хўжалигининг 116 минг 100 гектар ер майдонида бугдой парваришланди. Мавсум юмушларини сифатли ва қисқа фурсатда якунлаш мақсадида 356 та отряд тузилди.

Уларга тегишли соҳа вакиллари жалб этилиб, зарур вазифалар белгилаб олинди. Бундан ташқари, мавсумда 356 та комбайн, дон ташиги 1 минг 424 та юк автомобиллари ва 167 та трактор тиркамасидан фойдаланишни режалаштирилганмиз. Техникаларнинг тинимсиз ва соҳ ҳолатда ишлашни таъминлаш мақсадида 58 та кўчма ёқилги ташуви воситаси ва 27 та устакхона ташкил этилди.



тадбирларни ўз вақтида бажараямиз, керакли микдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар берилди.

Қувонарпеси, фермерларимизнинг шижоати, мавсумга қўйлаётган пухта тайёрларликлар вилотимиз ғалла хирмони бу йил ҳам баракали, халқимиз дастурхони тўкин бўлишини аниқлатади.

Зухриддин РАҲМОНОВ
/ Тошкент ҳақиқати / ёзиб олди

ҒАЛЛАКОР КУТГАН КУНЛАР

қимматлашди. Жорий йил март ойида Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарор қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Қарорга кўра, эн-

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада)

БАҒРИКЕНГЛИК, ОЛИЖАНОБЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ ИФОДАСИ

Кимнидир қилган ёмон иши учун бир умрга чоғга итариб бўлмайди. Уни кечириш, тўғри йўл топишга имкон бериш, зарур бўлса, қўллаб-қувватлаш асп инсоний қадриятлардан ҳисобланади.

Айниқса, жиноят қилиб жазосини олган шахсларга имкон бериш давлат сиёсатида мавжуд бўлса, унинг чинакам бағрикенглиги ва инсонпарварлигини кўрсатади. Ўзбекистон бу жиҳатдан бошқа давлатларга нисбатан анча илғор. Чунки, халқимиз ҳаётидаги муҳим саналар муносабати билан Президентимиз томонидан афв эълон қилиниши аънанавийлик касб этган. Шунинг учун ҳам байрамларни орамизда шунчаки байрам қилиш учун эмас, балки ҳаёт йўлини ўзгартирувчи муҳим сифатида катта умид ва илҳом билан кутадиганлар бор.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Кези келганда айтиш керакки, сўнгги йилларда Президентимизнинг афв этиш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш эълон қилиниб, бир неча мингдан орттиқ шахс озодликка чиқди.

Дарҳақиқат, халқимиз ҳаёт кўнларини байрам қилиш билан бирга, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, эҳсон қилиш билан бир-бирининг кўнлини обод этишга одатланган. Зеро, шундай мувофиқ кўнларда адашган кишининг афв этилиши ана шу эзгу ва хайрли амалларга тўлиқ ҳамоҳангдир. Ишонамизки, мазкур муқаддас ойда афв этилган фуқаролар билдирилган ишонччи оқлаб, юртимизда амалга ошириляётган ислотларга муносиб ҳисса қўйишади.

Зотан, донолар билиб айтишган: "Бир кўнгил иморати — минг Макка зиёрати..."

/ Тошкент ҳақиқати /

ҚўПЧИЛИКНИНГ ЎНГЛИДАГИ ИШ БЎЛДИ

Мамлакатимиз учун буғунги янги даврда кўп йиллардан бери овриқли саналган прописка масаласида давлатимиз раҳбари томонидан эътибор қаратилди ҳамда Тошкент шаҳри ва вилотияда аҳолини прописка бўйича муаммоларига барҳам берилди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг ўзида Президентимиз томонидан икки муҳим ҳужжат — "Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон, шунингдек, "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилотияда доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоғфаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун имзоланди.

Ушбу фармон ва қонун юртимиздаги қўллаб-қувватларнинг, аввало, мамлакатимиз пойтахти бўлиши Тошкент шаҳри ва вилотияда эмин-эркин яшаб, меҳнат фаолиятларини олиб боришлари, шунингдек ўзлари учун кўчмас мулк харид қилишларида ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги кафолатини берди. Мазкур қонунда у расман эълон қилинган кундан бошлаб "прописка" сўзи муомаладан чиқарилиб, унинг ўрнига "рўйхатга олиш" атамаси киритилди. Бугун фуқароларимизга нафақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгаллигида бўлган уй-жой майдони ҳам доимий рўйхатга туриш имконияти яратилди.

Шунингдек, эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарт ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда прописка йўқотишга доир қоидалар бекор қилиниб, янги оилалар никоҳдан ўтган куннинг ўзида яшаш жойи

бўйича доимий рўйхатга ўтиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Яна фуқаролар оиласи томонидан тарбияга олинган (патронат) болалар тўғрисида ота-онанинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши жорий этилди.

Давлатимиз Бош қомусида белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг хоҳлаган ҳудудида яшаш ва ишлаш ҳуқуқига эгадир. Аммо фуқароларимиз пойтахт ва унинг вилотияда ишлаш, уй-жой харид қилиш ва вақтинча яшаб туришда муаммоларга дуч келарди.

— Биз оиламиз билан мана олти йилдирки, ўз уйимизда ижара шартномаси асосида яшаймиз, — дейди парентентик Фарид Халов. — Пойтахтдан уй олдик. Уй қариндошимизнинг номида, уйимизда вақтинча рўйхатга турган ҳолда яшаб келаятганимиз. Аввал бу масалага ечим йўқдек эди. Эндиликда Президентимизнинг қўрсатган тамжўрликлари босиб биз каби қўллаб-қувватларнинг мушкулли осон бўлди.

Мазкур фармон ва қонунга мувофиқ бугун Тошкентда пропискаи (доимий рўйхати) йўқ фуқароларнинг иккиламчи боғдордан (яъни эски уйлар) уй сотиб олиш амалиёти бошланган. Масалан, пропискаи йўқ фуқаронинг уйи бировнинг номида бўлса, уни бемалол ўз номига ўтказиб олиши мумкин. Бунинг учун уй номида бўлган шахс ва ҳужжатлар билан нотариусга бориш кифоя, алоҳида тўлов ёки давлат божий йўқ.

Махмуд НАЗАРОВ,
ЎЗМДП вилот кенгаши
раиси



ЯНГИ КОРХОНА: БЎКАЛИКЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Кенг ва ёруғ бинода ўрна-тилган замонавий дастгоҳларни кўриб ҳавасингиз келади. Хотин-қизларнинг тикувчилик машинасини моҳирлик билан бошқараётгани эса қишлоқларимизга ҳам саноат жадал кириб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати

(Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада)

ва дизайни жиҳатидан хориж-никдан асло қолишмайди. Шу боис, чет давлатлар билан маҳсулот экспорти бўйича шартномалар тузилган.

Вилот хўжалиги Аҳборот хизматининг маълум қилишича, корхонада 10 турдаги кийим-кечаклар ва тиббиёт ниқоблари тайёрлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 30 фоизини ички бозорга, қолган қисмини эса экспорт-

га йўналтириш режалаштирилган. Айни чоғда эса янги корхонанинг ишга туширилиши сабаб тумандаги "Катта равот", "Ўртатеп", "Равот" ва "Истиклол" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчи 300 хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Тадбирда вилот хўжаси Рустам Холматов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Кибрай туманидаги "Leo Garden" масъулияти чекланган жамияти кўп йиллардан бери халқимиз дастурхонига олма, гилос, нок каби бир-биридан ширин меваларни етиштириб беради. 50 гектарли ушбу интенсив боғ 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан, 6 турдаги

БОҒИМИЗГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ...

— Боғимизда 118 минг туп кўчат бор, уларнинг аксарияти олма, — дейди "Leo Garden" МЧЖ агрономи Бадриддин Исомиддинов. — Боғни бу даражага келтириш, албатта, осон кечмади. Тинимсиз меҳнат, ҳаракат қилдик. Дарахт ҳам ёш боладек гапда, унга меҳр, эътибор бериш, асраб-авайлаш керак. Энг муҳими, зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида қўллаш лозим. Олма мевасини қушандалари ҳам кўп. Улардан энг хавфлиси ва бизнинг шароитда кўп учирайдигани бу — олма қурти. Одатда олма қурти мавсум давомида 3 марта чиқади. Ушундан унга қарши керакли дорини сепиш зарур. Шунингдек, парша касаллиги ҳам олмага яхшигина зиён етказиши билан олмага кўпир босади, сифати пасаяди, натижада унинг харидорбонлиги йўқолади. Бу зараркундорларга қарши вақтида курашилмаса, 100 фоизгача ҳосилга зиён етказиши мумкин. Биз зараркундорларни аниқловчи махсус метеостанция ёрдамида уларга қарши самарали курашиб келямиз. Масалан, парша бизда 3 йил олдин бор эди, ҳозир йўқ.

Таъкидлаш керакки, боғ тўла қувват-

олма навлари экилган. Дастлаб ниҳоллар маҳаллий кўчат етиштирувчилардан олиб экилган бўлса, кейинчалик боғни янада ривожлантириш мақсадида Испания, Туркия, Франция мамлакатларидан серхосил, иқлим шароитимизга мос келадиган кўчатлар келтирилди.

да томчилатиб суғориш тизими билан таъминланган. Бунинг афзалликлари талайгина, албатта. Биринчидан, экин учун сарфланадиган сув миқдорини 4-5 баробарга, ўсимликка бериладиган маҳаллий ва минерал ўғитларни 2-3 баробарга тежайди. Иккинчидан, дарахт учун зарур озуқа шу йўл билан берилгани тўғрисида меҳнат сарфи камайди, ўғит илдизгача етиб боради. Учунчидан, ариқлатиб суғоргандек ер захламайди ва захнинг қочими қутилмайди.

Мазкур боғда 20 нафар ишчи доимий фаолият юритади. Мавсумий, яъни, йиғим-терим пайтида ишчилар сони 100 нафаргача етади. Бундан ташқари, боғда агротехника тадбирларини амалга ошириш учун минн тракторлар мавжуд. Улар ёрдамида ўғит сепиш, дарахт орасидаги ўтларни ўриш, ерни ҳайдаш, кесилган шохларни йиғиб олиш каби ишлар бажарилади.

— "Ифода" компанияси билан яқиндан ҳамкорлигимиз агротехник тадбирларда жуда кўл келмоқда, — дея сўзини давом эттирди Бадриддин ака. — Компания агрономлари доимий равишда боғимизга келиб, дарахтлар ҳолатини аниқлаша-

ди, керакли маслаҳатларини беришади. Қайси вақтда, қандай озиклантириш, қайси зараркундорга қарши қандай препаратларни қўллаш керак ва ҳоказо. Дарахтнинг нимжон бўлиши, касалликлари тез-тез чалиниши ёки ҳосилнинг йўқотилишига темир, рух, молибден, мис ва кальций сингари моддалар етишмаслиги сабаб бўлади. "Ифода" тавсия қилаётган маҳсулотларда ушбу моддалар етарлича мавжуд.

Битта дарахтни кўкартириш, уни ҳосилга солишнинг ўзи бўлмайди. Буни яхши анлаган боғбон ҳамкорликка кўпроқ ургу бериши керак. Мазкур боғдаги дарахтларни парваришладша Франция тажрибаси ҳам қўлланилар экан. 50 йиллик тажрибага эга франциялик агрономлар йилда 4 мартаба келиб, агротехник тадбирларда ўз маслаҳатларини бериб кетишар экан.

— Боғимиз атрофи бўйлаб манзарали дарахтлар экиб чиқанмиз, — дейди сўхбатдошимиз. — Ниятимиз агротуризмни ривожлантириш. Мисол учун ўтган йили Эфиопия, Япония, Хитой ва Малайзиядан туристлар келиб, боғимизни кўздан кечиришди. Айниқса, малайзияликлар

Ижтимоий ҳимоя



КЎНГИЛ ОЛМОҚ САОДАТИ

ЯНГИЙЎЛ тумани сектор мутасаддилари томонидан ҳудуддаги ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Уларга қорамол, қўй ҳамда паррандалар тарқатиляпти.

— Аввало, тумандаги барча маҳаллалар ўрғаниб чиқилди, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар аниқланиб, шакллантирилган рўйхат бўйича қорамоллар тарқатилди, — дейди туман кенгаши депутаты Сардор Нигматжонов.

Туманининг "Ғалаба" маҳалласида истиқомат қилувчи Шоҳида Йўлдошеванинг 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Бир неча йил олдин боқувчисини йўқотган оилага ҳам бир бош қорамол берилди. Энди оилада сут-қатиқ бўлади.

"Бунёдкор" маҳалласида яшовчи Асқарбек Муродов II гуруҳ ногирони, ижтимоий кўмакка муҳтож. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй Муродовлар оиласига баҳоли қудрат ёрдамлашиб туришади. Оила аъзолари ҳам ўз томорқаларидан унумли фойдаланишади.



Айни пайтда томорқадаги иссиқхонада помидор етиштирилмоқда. Саховатпеша инсонлар томонидан бу оилага ҳам бир бош қорамол берилди.

Туманда кам таъминланган, ногиронлиги бор, уйсиз оилаларга хонадонлар ажратилиб, калитлари эгаларига топширилди. Туман ҳокимлиги кўмаги билан "Умид" маҳалласида бир кўннинг ўзида 6 та оила бошланган бўлди. Улар орасида уч фарзандли Шахло Қодиркулова ҳам бор. Мазкур маҳаллада жами 43 та хонадон ўз эгаларига топширилди.

Рамазон ҳайити арафасида Занғиота туманидаги 1 минг 4 та оилага Алишер Усмонов 2 миллиард 510 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратди.

Ҳамюртимизнинг бу бевараз ёрдами эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга чинакам байрам совғаси бўлди.

ПАРКЕНТ тумани Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази томонидан 2 минг 57 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Шунингдек, карантинда бўлган тиббиёт ходимларидан 33 нафарига ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, ҳомийлик марказига эҳтиёжманд оилаларга тарқатиш учун "O'zalyans-avto" МЧЖ

томонидан 3 тонна ўсимлик ёғи, 10 тонна ун, 5 тонна шакар, 5 тонна макорон маҳсулотлари етказиб берилди.

ТОШКЕНТ туманидаги «To'xtaniyoz-ota» фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов "Раҳбаробод", "Ғиштқўприк" ҳамда "Соҳибкор" маҳаллаларида истиқомат қилувчи 3 нафар оилага соғин ситир ҳада қилди.

Аллома АЗИЗОВА
/ Тошкент ҳақиқати /

Қишлоқ мулкдорлари



ишларимизга жуда қизиқиб қолишди. Негаки, биздаги айрим мевалар уларда етиштирилмас экан. Тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик, ҳамкорлик қилишга келишиб олдик. Очиги, бизнинг маҳсулотимиз ўзимизнинг маҳаллий бозорларимиздан ортмайди. Асосий харидорларимиз "Корзинка" ва

"Макро" савдо дўконлари. Билсангиз керак, олма дарахти бир йил яхши ҳосил берса, кейинги йили камроқ ёки умуман мева бермаслиги мумкин. Бизда унақамас. Чунки, биз дарахтларни кимёвий сийрақлатиб тураемиз. Кўпчилик боғбонлар ҳосилни йўқотиб қўйишдан чўчиб бундай қилишмайди.

Агрономнинг таъкидлашича, ҳосилнинг чўғи йилдан-йилга кўпаймоқда: ҳар гектаридан 30-35 тоннагача мева олинмоқда. Авваллари бу кўрсаткич анча кам: 15-20 тонна бўлган. Бадриддин ака ҳосилни янада кўпайтириб, хорижга экспорт қилиш мақсади борлигини айтди. Ҳозирча "Leo Garden" Корея, Хитой, БАА ва Россия бозорларига гилос экспорт қилади.

Эшитишимизга қараганда, ишни тўғри ташкил этиб, боғдорчиликда салмоқли ютуқларга эришгани учун мазкур жамиятга Паркент туманидан яна 50 гектар қўшимча ер майдони ажратилган. Ҳозирда у ерга кечпишар олма, узум, олхўри, нок, шафтоли, гилос кўчатлари экилган.

Эрали НОРБЕКОВ

Абитуриент дўстим!

Мактаб ё коллежни битиргач, одам бирдан катта ҳаётга қадам қўяди, деган фикрга унчалик ҳам қўшиливермайман. Чунки, улғайиш сен билан мен ўйлаганчалик оддий нарса эмас. Биз бир кун ё бир лаҳзада, ўзимиз билмаган ҳолда катта бўлиб қолишимиз мумкин. Бунга баъзан йўқотишлар, баъзан эса топишлар, англашлар сабаб бўлади. Ҳар ҳолда, шахсан мен ҳали ўзимни улғайган одам деб ўйламайман.

Мана, кўлингда мактаб шаҳодатномаси. Ўқишга кирмоқчисан. Сен қаттиқ тайёрланган ё мен каби ўқишни истогану бироқ қайсидир сабаблар билан биронта тест ечолмаган абитуриентлардан бири бўлишинг мумкин, бироқ барибир, шахс сифатида

ёлғизсан. Имтиҳонга кирганингда биров сенга ёрдам бермайди. Бир йил аввал мен ҳам худди сендек эдим. Хаяжон, қувонч, умид ва қўрқув титратган юрагимни бағримга босганча Тошкент давлат Шарқшунослик институтига йўл олдим. Мақсад – араб ё форс филологиясида ўқиш. Бу менинг иккинчи уринишим эди. Биринчи йил ЎзМУда ўқишдан ўзим воз кечганман. Қисқаси, биз, Шарқшунослик институтига борган учовлон нимадир бўлди, бирдан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаларига айланиб қолдик. Бу воқеанинг тарихи узун, кейинроқ ёнбошлаб берилган гурунглари батафсил айтиб бераман. Ҳозир эса, кел, бир талаба ўлароқ сенга, укам, синглим ё жўрамга уч-тўрт маслаҳат берай.

1. Кўлингдан нима келади?

Ҳамма “Хужжат топиришдан аввал чуқур ўйлаб кўр”, дейди. Тўғри, лекин ўйлашдан аввал қилинадиган ишлар ҳам бор. Ўзни таниш ва ҳис қилиш. Сен ўзи кимсан? Болалигингдagi футболчи, врач ё бизнесмен каби орзуларингни бир четга сур. Ўзинг нимани исташинг олийгоҳга киришда у қадар катта роль ўйнамайди. Асосийси, кўлингдан нима келиши. Дейлик, сен қишлоқ хўжалиги ё дипломатия соҳасига ҳавасмандсан. Қишлоқ хўжалиги бўйича билиминг борми? Ер ағдарш, иссиқхона ё даладаги экинларни парваришладан бошқа яна нимани биласан? Сен билан далада теппа-тегиз ишлаган дўстингдан қандай устун тарафинг бор? Ёки дипломатияни олайлик. Урушаётган иккита оғайнингнинг улар қалин дўст бўладиган даражада яраштириб қўёлганмисан ҳеч? Ўйлашдан аввал ўтмишни эсла. Шунда, энг яхши бажарган ишларинг ўз-ўзидан сув юзига қалққан ёғочдек кўз олдингга намоён бўлади.

2. Мардикор бозорга чопмаслик учун...

Ақсар тенгдошларинг мактаб давридаёқ муайян фанлардан тайёргарлик кўриб, айнан битта соҳани танлаб бўлишди. Бундай соҳаларга асосан аниқ ва табиий фанлар, тиббиёт соҳаси киради. Ёнг қийини, ижтимоий факультет абитуриентларига. Одам кўп, саволлари ноаниқ, ўқиш даври, иш топиш муаммолари.

Ҳозир, масалан мен ҳам ўзим ўқийётган соҳа бўйича иш топишни ҳаёлимдан чиқариб ташлаганман. Драма турғи... Айтсам, гап кўп. Бизда киношунослик аталмиш фан бор.

ТАЛАБАНИНГ АБИТУРИЕНТГА МАКТУБИ

бироқ фильмлар учун ёзган тақрирлар ва тадқиқотларимизни беришга жой, муносиб бир газет-журнал йўқ. Ягона киножурнали ҳам “пул олиб келмайди”, деб ёпиб қўйишди. Қўйилмасан?

Ижтимоий соҳада ўқимоқчимсан, демак тил билишга мажбурсан. Тил билиш сени доим қўқариб қолади. Нимадан қўқаришини санама: маънавиятчи ходимларнинг вавасаларидан, мункиллаб қолган “коммунист” профессорларнинг эски қарашларидан, атрофингдagi бесавод, савиясиз, бали паст деб айнан шу факультетга кирган курсдошларингнинг таъсир доирасидан ва келажакдаги ишсизлик қўрқувидан! Унутма, тил билган ва бундан яхши фойдалана олган талаба ҳеч қачон иш излаб мардикор бозорга чопмайди. Мен таниган кўллаб йигит-қизлар

дарсдан сўнг хусусий ўқув марказларида тил бўйича дарс беришади. Агар ҳозир билмасанг, тилни ўқишга келган ўрган. Тошкентда тўрт йил яшаб, рус тилини ҳам ўрганолмай қишлоғига қайтган эшматжонлардан бўлма.

3. Душманингни... шакарда ўлдир

Дейлик, ўқишга кирдинг. Энди сенга энг кераги нима, биласанми? Харизма! Харизма бу бошқалардан ажралиб туриш, алоҳида ҳислатга эгалик дегани. Талаба учун энг яхши харизма бу: кенг дунёқараш, узоқни кўра билиш, соҳаси бўйича ҳатто профессорлар ҳам билмаган китобларни чет тилларида ўқиш даражасида илғорлик, ҳақиқатга ташналик.

Ҳеч қачон домлар билан очикча тортишма. Фойдаси йўқ. Душманингни шакарда ўлдир деган мақолга

амал қил. Яхши муомала ва... Ҳамма хурсанд, ҳамма бахтиёр! :)

Харизма бу ташқи ва ички имидж билан ҳам ўлчанади. Соддароқ бўлишга ҳаракат қил, лекин лақма деган лақабни орттириб олма. Майли, қишлоқдан келганинг шундоқ билиниб турсин. Зотан, ўқийётган олийгоҳингнинг тўқсон беш фоизи қишлоқ одамлари, лекин сездиришмайди. Ўз қийиниш услубингни, ўқийдиган китобларинг туркумини ярат. Масалан, мен театр, кино ва адабиёт назарияси бўйича Гарвард ҳамда Кембриж университетларининг дарсликларига таянаман.

4. Мустақил фикр азоби

Билимли ва мустақил фикрга эга

бошлаб зерикш, бешиш, тақиклардан зада бўлиш босқичи бошланади. Агар муталаани сентябрданок бошламасанг, кейин ўзингга қийин бўлади. Дарсларда ақллигингни намоиш қилаверишдан кўра орқароқда инглиз тилидаги бирон адабиётни ўқиш фойдалироқ бўлса керак? Бошлаб олиш доим қийин. Лекин, ўзинг айт, ўқишга кириш осон бўлдики?

6. Ҳаммаси ўз кўлингда

Талаба, талабалик ҳеч қанақасига жамиятнинг илғор қатлами ё тенгдошларинг ичида сени бир поғона баланд қилиб қўядиган даража эмас. Мен ўз исмини тўри ёзолмайдиган минглаб талабаларни била-

Ректорлар ўқимасин!

япсан. Талабалик даврида ҳам бунини тўхтатма. Сенга ҳеч ким йўқ жойдан нон бермайди.

7. Диплом учун ўқилмайди

Ўзинг учун кумир, яъни идеал танла. Фақат, идеалинг Роналдо, Месси ё қандайдир диний уламо бўлмасин. Ўз соҳангга катта муваффақиятларга эришган кимдир бўлса, аини мурда. Илоҳини қилолсанг, Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда таълим олган ва бугунги кунда чет элда катта муваффақиятларга эришган мутахассисни топ. Шунда имкониятлар тенглашади. Унинг таржимаи ҳоли, ёзган илмий ишлари, унга ёрдам берган адабиётларни ўқиб чиқ, аммо кўр-кўрона эргашма. Радикал фанатизм ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган. Унга интил, ундан яхши бўлишга ҳаракат қил. Яна, америкалик талаба ва ўзингга солиштириб кўришни ҳам унутма.

Бардошли бўл, дўстим. Ўқишга фақат диплом олиш учун кирма, зеро, бой бўлиш учун доим ҳам диплом керак бўлавермайди. Телеграмм тармоқларидаги арзон мотивацияларга, “...ва у талабанинг исми Альберт Эйнштейн эди” деб тугайдиган ёлгон ҳикояларга вақт сарфлама. Дейл Карнеги ё шу каби ёлгончи мотивация китобларидан кўра соҳангга оид “зериқарли” китобларни, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқи. Соҳанг нима бўлишини қатъи назар, яхши ва маъноли китоб доим сенга фойда олиб келади.

Университетга киролмасанг ҳам ўқинма. Эртага тadbirkor ё фермер бўлиб кетсанг, умрингнинг тўрт йили ҳавога совурилгани қолади, холос. Ёнг аввал ўзингни англашни ўрган. Сўзим аввалида айтганимдек, фикрлашдан аввал ҳис қилиб кўриш керак. Инсон тўла ақлга бўйсунолмайди. Бизда сезгилар, туйғу ва оғриқлар бор. Бир қулоқ сол, улар ҳам сенинг талаба бўлишингни исташтирмайми?

Мен тажрибамдан ўтган маслаҳатларимни бердим. Уларни олиш ва ҳулоса чиқариш ўз кўлингда. Сен билан бир сафда бўлишдан фақат хурсанд бўлам. Омад ёр бўлсин.

Мирзохид МУЗАФФАР,
талаба

/ Тошкент ҳақиқати /

ЕРДА ҲЕЧ КИМ

Моҳият

XX аср жаҳон ҳикоячилигининг бетакрор намоёндаларидан бири италян адиби Дино Буссатидир. У 1906 йилнинг 16 октябрида Италиянинг Беллуно вилоятида туғилиб, 1972 йилда Миланда вафот этган.

Кўп йиллар Миландаги “Коррера делла Сера” газетасида ишлаган. Ёзувчининг “Тоғли Барнаббо” (1933), “Эски ўрмон сирин” (1935), “Татар чўли” (1940), “Мухаббат” (1963) романлари, “Ийриклаштирилган қиёфа” (1960), “Айиқларнинг Сицилияга гаройиб босқини” (1945) ва бошқа қиссалари, кўпгина ҳикоя ва драмалари машҳур. Чунончи, “Татар чўли” романи билан “Қизик воқеа” драматини француз

БАХТЛИ БЎЛОЛМАС...

тилига Албер Камю таржима қилган. “Татар чўли” романи Борхеснинг шахсий кутубхонасидаги энг ардоқли асарлардан бири ҳисобланган. Ёзувчининг 1958 йилда чоп этилган “Олтмиш ҳикоя” тўплами Италиянинг энг обрўли “Стрега” адабий мукофоти билан тақдирланган. “Ла Скала”даги шов-шув” ҳикоясини эса, Андре Моруа Иккинчи жаҳон урушидан кейинги бутун Европа адабиётида дунёга келган энг ҳаққоний асар сифатида баҳолаган.

Жаҳон адабиётини пухта билладиган ёзувчиларимиздан бири, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад бир ҳикоясини Дино Буссатининг “Етти қават” ҳикоясига татаббу тарзида ёзгани

адабий жамоатчиликка яхши маълум.

Дино Буссатининг сеvimли ёзувчиларидан бири Эдгар По бўлгани, албатта, бежиз эмасдир. Ёзувчи Мопассан, Тагор, Чехов, О. Генри, Стефан Свейг, Эдгар По, Сабихиддин Али, Азиз Несин, Мухаммад Али Жамолзода каби жаҳоннинг машҳур ҳикоянавислари қаторида ҳақли равишда тура олади.

Адиб қаламига мансуб жами икки юзга яқин ҳикоянинг аксарияти кўпгина тилларга таржима қилинган. Бу ҳикояларнинг энг муҳим фазилатлари ёрқин чизиб кўрсатилган лавҳа – мумтоз тасвирий аниқлиги, қисқалиги, шарқона муболага, мажоз ва асотирларга бойлигида дейиш мумкин.

Ҳукмингизга адиб асарларидан олинган қуйдаги иқтибосларни ҳавола этияпмиз.

Гарчи, инсоният кўзлари илғай оладиган макондан ўзга ўлчамда ҳам оламлар мавжудлиги аллақачонлар исботини топган бўлсада, бунга ҳамон инсон тафаккури учун жумбоқ бўлмиш воқелик, дея шубҳа билан қараб келинади. Гўёки, уша олам билан биз яшаётган олам ўртасида кўринмас бир девор бордек: ўзининг учқур тафаккури қанотида тобора кўкка юксалиб бораётган инсон ногаҳон шу деворга пешонасини урадида, парвоз ниҳоя топади. На Платон, на Пифагор, на Динте бугун ҳаёт бўлганларида ҳам, ушбу деворни ишғол қила олишмаган бўларди, илло, бизнинг миямиз бундай ҳақиқатларни сиғдиришга қодир эмас.

Сиз – Одам болалари, ҳаммангиз бир гўрсиз. Сизга мудом нимадир етишмайди. Сира бировдан миннатдор бўлмайсиз. Бир сония ортиқроқ яшаш учун тиз чўкиб оёқ ўпишгада тайёрсиз. Баҳона топишқу қийиб қўясиз.

... Мен адоий тамом бўлган одамман, лекин бахтиёрман. Ҳар қалай, мен кўлимдаги косани таг-турига қадар сипқариб улгурганимча йўқ. Тўғри, жудаям оз бўлсада, ҳали ичида нимадир бор. Уни сўнгги том-чигига қадар татиб кўришдан умидворман. Агар яна озгина яшай олсам, албатта: анчагина кексайиб қолганман, бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда...

Чинакам сўз санъаткори учун жўнгина қаламқаш бўлиб кўринишинг турган-битгани азоб, ҳатто агар ўзингизни аслингиздан ёмонроқ қилиб кўрсатишни астойдил исташганингизда ҳам.

... Нореттининг маъсум нигоҳларида аён кўриниб турган сидқидил ўтинч олдиде жаҳоннинг энг мус-

тахкам зирх билан қопланган лашкарлари ҳам ожиз қолишлари мўқаррар эди, аммо-лекин муҳтожлик бундан истисно. Муҳтожлик унга бемалол бардош бериши мумкин: хувиллаган бўм-бўш чўнтакда юрак ҳам, меҳр-шафқат ҳам йўқ! Қандайдир бир кичкин-той қизалоқнинг дарди-дунёси, хоҳиш-истаги билан ҳисоблашиб ўтирадимми у!...

... Майли, сен бунини аҳмоқлик деб ҳисоблашинг мумкин, бироқ ҳақиқий санъат ҳамиша бизни молдан фарқлаб туривчи нарсга бўлиб қолаверади. Бу ерда фойдали ё фойдасиз эканлиги аҳамиятли эмас. Эҳтимолки, буткул фойдасизлиги учун ҳам бизга жуда-жуда керакдир.

— Менга шуни айт-чи, Котиб, — сўради авлиё Онемо узоқ муддатлик сукунатдан кейин, — сен ўз ҳаётингга бахтли эдингми?

— Шуюм гап бўлибдино! — қулиб жавоб қилди ҳамсухбати. — Ерда ҳеч ким бахтли бўлолмаслигини билиб туриб сўрайсан!

Минозлик дурадгор қиз

Миноз туманининг Гулзоробод қишлоғида истиқомат қилувчи Нормухаммад ака Эштов саккиз йилдан буён ёғочдан эшик, ром, хонтахталар

ясаб ҳамқишлоқларининг огирини енгил қилади. Қувонарлиси, оилада воёга етган 5 қиз ва бир ўғил ҳам бу ишда отасига қўмакчи. Айниқса, дурадгор-

лик дастгоҳини маҳорат билан бошқараётган оиланинг катта қизига кўпчилик йигитларнинг ҳам ҳаваси келади.

Эълон

“Realtor Garant Business” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2019 йил 11-сонли шартномага асосан 2019 йил 2 октябрда тўхатилган аукцион савдосига қуйдаги мулк такроран қўйилади: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчасида жойлашган 926 кв. бино. Бошланғич баҳоси – 2.584.292.000 бўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 27 май, 3 ва 10 июнь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охир-

ги муддати: 2020 йил 25 май кунини соат 18:00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдога мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Realtor Garant Business” МЧЖнинг АКБ «Универсал банк»

Тошкент филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9049 3605 0004. МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3 мавзе, 4-уй. Тел.: (99) 009-54-35. Гувоҳнома №0052.

Белгиланган муддатда аукцион савдосига қўйилган мулк бўйича талабгорлардан аризалар келиб тушмаса, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 3 ва 10 июнь кунлари қайта бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Шахсий мулоҳазалар

— Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, бунини ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарса ҳис қилмайди, — деган эди Абдулла Қаҳҳор бир китобида. — Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Ҳис қилинмай ёзилган нарса қоғоздан ясалган гулга ўхшайди.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлардан мақсадсиз фойдаланмайдиганлар камдан кам учрайди ва ана шу тармоқларда бевосита турли муаллифлар номи остида ижод намуналарига кўзингиз тушади. Бу жуда ажойиб, айниқса, китобхонлик тарғиботларида юртимизнинг қай бир чеккасида бўлмасин ўқувчилар кўп ва жуда фаолдирлар.

Бироқ, аксар ижод намуналарини ўқисангиз адиб таъкидлаган "қоғоз гул"дек туюлади. Бу жуда ачинарли

бошим" деб бошланувчи шеърларга дуч келасиз. Масалан, муаллифларини айнан келтирмайман, "Ахир, бизнинг сиздек суянчимиз бор, Бошқа нима керак Ўзбекистонга", "Ватан дея куйиб-ёнар Юртбошим, Ишончини оқланг, олға, юртдошим" каби баландпарвоз ҳайқириқлар узлуксиз тақдим этилмоқда.

Ватанни севиш, халқ сарбонини эъзозлаш барчамизнинг бурчимиз, албатта. Лекин, бу уларга сунъий мадҳия тўқиб, дил

буй кўрсатиб бораверарди.

Барчамизга маълум, ҳар қандай ижодкор замон билан ҳамнафасликда ижод қилади, бу эса унинг ёзганлари даврининг ҳодисотларига бағишлаб қалам тебратишга ҳам ундайди. Албатта, ушбу вазифани ўз иқтидорини теран англаганлар аъло даражада бажариб келмоқда. Аммо, кўпчилик ҳар қандай ижтимоий воқеаликка бағишлаб қоғоз қоралашни сир эмас.

Масалан, юртимизга келган кўнгилсизликларни четдан кузатиб турган, аммо кўлидан ҳеч нима келмайдиганлар: "Тур, йўқол, ўзбекдан умидингни уз, Вирус, вирусқоним, коронавирус", ёки "Қара, шундай замонда, Қўшни уйда чироқ йўқ", каби битикларни ҳам уялмай ўқирманларга ҳавола этмоқда. Ёки бўлмаса, ғалабанинг 75 йиллигига атаб "Кимдир билар, кимдир билмайди, Менинг бобом зўр танкичи бўлган" сингари шеърлар ҳам ёзишди. Бу каби ёзишмаларнинг ўқувчилар дидига таъсири қандай кечмоқда? Улар ўзи билмаган ҳолда дид инқирозига учраётганларини билармикан? Афсуски, адабиётимизни шу дид чегараси билан ўлчаётганларидан ўзлари беҳабар.

Яна адибдан иқтибос келтирмаган: умумий савияси паст бўлган киши ҳеч вақт ижтимоий ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олмайди, демак, илҳомлана олмайди. Ёзувчи турмуш ҳодисаларини таҳлил қилгандан сўнг унга маълум бир муносабатда бўлади, бу муносабат унинг қаноти бўлади.

Айнан, ҳозирги кунга келиб эса айрим қўлига қалам олганлар ўз муносабатидан ясаган қаноти нақадар бачканалиги билан бирга, ўқитувчиларнинг ҳам қанотларини қирмоқда.

Сўзимни яна Қаҳҳор домла таъбири билан якунлайман, ҳурматли маддоҳ "санъаткор"лар, адабиёт эшигини қалам билан эмас, болта билан бузиб киришни бас қилинг. Ўқувчилар онгига заҳарлаб, раҳматли устоз шоирларнинг руҳини безовта қилманг! Яхшиси, халққа фойда келтирадиган бошқа бир соҳанинг этагидан тутиб, қарамшўрвангизни вақтида йиғиштиринг!

Ҳурмат билан
гойбона ўқувчингиз
Муҳаммад СИДДИҚ



ҳолат. Бунга сабаб нимада? Биринчидан, ўша муаллифларнинг ёзган ижод намуналари китоб қилиб бошишга, ёки газета-журналларда чоп этишга арзийди. Иккинчидан, бунинг оқибатида улар ёзганларини беихтиёр ижтимоий тармоқларда тарғиб қилишга одатланиб қолишади. Бу эса жуда катта фожиа!

Нега? Чунки, китобхонлардан кўра интернетдан фойдаланувчиларнинг миқдори салмоқлироқ ва бир тарафдан олиб қаралганда улар ҳам ўқувчилар — адабий истеъмолчилардир. "Қоғоз гул" ясовчи хунармандлар эса, ўзбекининг бадиятию савиясини, кўпол қилиб айтганда, булғаяпти, соддароқ тушунирсан, адабиётга кўртдек тушиб, уни жонлантириш ўрнига тинимсиз кемирмоқдалар.

Қай бир сунъий муаллифнинг "ижоди"га назар ташламанг, "Ватан", "Юрт-

изҳор қилиш дегани эмас. Ҳар қандай дилдаги гаплар тилга чиққандан кейин табиийлигини йўқотади, қоғозга тушгандан кейин оҳори тўкилади. Юрта муҳаббатни, Юртбошига меҳрни иложи борида қалбан ҳис қилиб, юракда сақлаган мақсадга мувофиқроқ, менимча.

Ёзувчи дилдагини айтмаса руҳан фалокатга учрайди ҳам дерсиз, аммо айрилган гап юракдан чиқмаса ва юракка етиб бормаса, уни жар солиб айтишдан нима наф? Бу ҳақда яна адибнинг бир гапи бор — иқтидор, билим, ҳунар жиҳатидан бир даражада бўлган икки ёзувчи муҳаббат тўғрисида ёзса, шу муҳаббат ҳиссини бошидан кечиргани яхшироқ ёзади.

Бу мисол билан нима демоқчиман, қўлига қалам олган ҳар бир шахс фақат ҳис қилганини ёзса, бошидан ўтмаган нарсани ёзиб, ўқувчиларга ҳавола этмаса, адабиётимиз кундан кунга

Шўро даврининг сўнгги йилларида бир ашула ёмон машҳур бўлди-да ўзиям:

Қарғалар учса, қарайлик
Марғилоннинг йўлига.

Ҳиди келса, маст бўлайлик
Ҳандалакнинг бўйига...

Бу ашула айрилмаган тўй қолмади. Ҳамма ўйнади ўзиям. «Қарғалар» тугаши билан даврдан биттаси ўрнидан туриб бақиради: «Қарғалар» бўлсин, «Қарғалар»!..»

Уйнайверди. Маъно-мазмун билан иши йўқ. Шу ашула айтилиб турса, бўлгани. Жилпанггайверса...

Хўш, бу ашулани ким ёзган? Нега қарғалар учса, Марғилоннинг йўлига қараш керак? Нима, Марғилондан бошқа ерларда қарға анқонинг уругими? Қарға кишини эслатса, бу ерда ҳандалакка нима бор? Ахир, у жавзонинг ҳосили-ку? Шейрада бу икки тушунчани нима боғлаб турибди?..

Рақсга тушаётган одам, ҳар қандай қўшиқ, аввало, маъно-мазмун, яъни мафқураси билан қўшиқ, деб қарашга, ўзига бундай саволлар бериб, жавоб излашга ўргатмаган. Бунинг учун каллани ишлатиш керак-да. Нима қилади бошини оғритиб, ҳамма уйнаётгани, уйнайве-



ҚАРҒАЛАР УЧСА, ҚАРАЙЛИК...

риш керак.

Йўқ!

Ҳеч бир ўзбекнинг бу ашулага ўйинга тушишга ҳаққи йўқ!

1916 йил. Биринчи жаҳон уруши қон қақшаётган маҳал. Чор Россиясининг аҳволи оғирлашяпти. Унга аскар керак. Аҳоли ўртасидан эркакларни урушга жалб этиш эҳтиёжи кучайган. «Туркистондан аскар тўплаш керак», — деган кимдир. «Туркистонликлар уруш қилишни, милтиқ отишни билмайди», — деган бошқаси. «Милтиқ отолмасе, мардикорчилик қилар — от боқар, чўчка боқар, темир йўлларни таъмирлар», — деган яна бири.

Хуллас, мардикорчилик бошлан-

ган. Ўз кишлоғи ё шахрини "дунё" деб билган қанчадан-қанча ўзбекни поездларга босиб, тақа-тақ, тақа-тақ Россияга олиб кетган.

Ўз кишлоғини "дунё" ҳисоблаб юрган, деб, миллатимизни камситмоқчи эмасмиз. Бу борада бухоролик маъна-

ҳамқишлоқлар: «Ҳажга борибсиз эмасам...» — деган экан. Беҳазил гап, Жигачининг ўша маҳалласини одамлар ҳозиргача "Ҳожикишлоқ" дейди.



вия тарғиботчиси, доцент Ортиқ Вафоевнинг бир ҳикояларини келтириш ўринли:

...Оталарининг қўйлари йўқолиб қолди. Эшакка миниб, излаб чиқибдилар. Жигачи кишлоғидан то Қорақўлга келибдилар-да-е... Орада кўп-кўп қишлоқлардан ўтибдилар, албатта. Қорақўлга келиб, одамлардан сўрасалар, ундан нари ҳам кўп-кўп қишлоқлар борлигини айтишибди. Шунда: «Э баччагар-е, ундан нари ҳам одам яшайдими? Ундай бўлса, дунёнинг ҳам кети кенг экан-да...» — деган эканлар...

Жигачига келиб, кўп-кўп қишлоқлардан ўтиб, узоқ ерларга бориб келганларини айтиб берсалар,

Хуллас, узоқ юртнинг бир совуқ кунинда марғилонлик амакимиз чўчка-хонада қор кураётса, атрофида қарғалар пайдо бўлибди: «Ие, қарға-ку! — дея ҳаяжонланибди у. — Ўзимизнинг қарға-ку! Марғилоннинг қарғаси-ку! Ие, ҳа, қарға қургур баҳорда қаерларга йўқ бўлиб кетади, десам, шу ёқларга учиб келар экан-да-а?! Дарвоқе, ўзи у бизга қиш маҳали келарди-я. «Бир қарға билан қиш келмас», — деган мақолимиз ҳам бор-а...»

Қарға амакига юрт тимсоли бўлиб кўринган. Унда Ватан соғинчи ҳиссини кучайтириб юборган. Тили, беихтиёр, қўшиқ тўғйи бошлаган: «Қарғалар учса, қарайлик Марғилоннинг йўлига...»

Дарвоқе

Кейин мушоҳада давом этган: «Шошма-чи, қарға бу ёқларга келган бўлса, эрта-индан юртда баҳор бошланади. Қўклам бизда эрта келади-я. Ҳамма далага чиқади. Экинлар экилади. Дарвоқе, биринчи нима пишарди? Ие, айтмоқчи, ҳандалак пишарди-ку. Бай-бай... Ҳиди зўр-да, аммо-лей...»

Ҳиди келса маст бўлайлик, ҳандалакнинг бўйига...

Юрт шундай нарсани, узоқ ўлкаларда шу ёқлардан борган қаргадан ҳам одам ҳандалакнинг ҳидини туюди. Шунга маст бўлади.

Марғилонлик амаки бунинг билан, дард билан, алам билан айтган! Ишонмасангиз, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг мардикорлар тилидан тўқиган қўшиқларини эсланг:

Ога, соғ борсангиз, аввал
дадамларга салом айтинг,
Юзуриб чиққан ул мушфиқ
онамларга салом айтинг...

Адабиёт мафқура бўлса, ҳар қандай шеърни тиринг-тиринг шўх қуйга солиб айтса, уйнайверасизми, биродар?!

Йўқ: қарғалар учса, қарайлик маъно-мазмун йўлига!

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Табассумла гўзалдир ҳаёт



Табассум танада эндорфин, яъни бахт гармони ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади.

Мириқиб кулиш ўпкадаги турли қолдиқ ва газларни чиқариб ташлайди.

Кулги — инсонни стрессдан халос қилади.

Фақат ақли инсонларгина ўзининг устидан кулиб, ўзини танқид қила олади!

Дилхираликларини унутиб табассум қилиш, инсон қалби, онги ва фикрларини тиниклаштиради.

Ҳавас "руҳий иммунитет", ҳасад эса "заҳарли токсинлар" олиб келади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисими:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
(факс)
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthaqiqati@mail.ru
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-54-10, (71) 233-65-59

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер
марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ